Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz
OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 3 (2024) · “Hududlarni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish dasturlarini moliyalashtirish tendensiyalari” mavzusidagi respublika il...

IV SHO‘BA - HUDUDLARNI KOMPLEKS IJTIMOIY-IQTISODIY RIVOJLANTIRISH CHORA-TADBIRLARI DOIRASIDAGI LOYIHALARNI O‘Z MUDDATIDA VA SIFATLI BAJARISHDA SAMARALI BOSHQARUVNING AHAMIYATI

ХУДУДИЙ ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ БОЗОРИДА РИВОЖЛАНИШИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Назарова Барно Ўсарбоевна
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент шаҳридаги Alfraganus университетининг Халқаро туризм менежменти кафедраси тадқиқотчиси

Худудий туризм фаолиятини ташкиллаштиришда янги технологик таклифларни ишлаб чикиш ва амалиётга татбиқ этиш, мутахассислар салоҳияти, тегишли инфратузилмани шакллантириш ҳамда турли хизматларни сифатли йўлга қўйиш, минтақавий туризмнинг эко-самарадорлигининг фазовий фарқланиши ва ҳаракатлантирувчи кучлари бўйича тадқиқотлар, туризмни қонуний асосда ривожлантириш, унинг ялпи худудий маҳсулотдаги улушини ошириш ва ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлашга бағишланган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан, ҳудуднинг туризм салоҳиятидан келиб чиққан ҳолда, уни инновацион ёндашув хусусан соҳа фаолиятида имкон қадар рақамлаштириган технологияларни жорий этиш асосида такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Мазкур вазифаларнинг муваффақиятли ижроси мамлакатимизда худудий туризм соҳаси фаолиятини бошқариш жараёнида мавжуд худудий туристик ресурс компонентларидан самарали фойдаланиш, соҳанинг ҳудудий иқтисодиёт ривожланишига таъсир этувчи самарасини баҳолаш, соҳа корхоналари фаолиятида рақобатбардошлик устунликларидан фойдаланиш, юзага келиши мумкин бўлган рискларни бошқариш, ижтимоий-иқтисодий инқирозлар шароитида соҳанинг тикланиш стратегияларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ жараёнларнинг такомиллашувини талаб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Республикамизда ҳудудий туризм салоҳиятини юксалтириш ва уни амалга оширишга хизмат қиладиган барча жиҳатларга катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, ҳудудий туризм замонавий тармоқ сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилмоқда. Бироқ, Ўзбекистонда ҳанузгача туризм қадимий шаҳарларимиз, тарихиймаданий ёдгорликлар доирасида чекланиб қолмоқда. Шу боис мавзу доирасида бажарилган илмий тадқиқотлар ҳамда адабиётлар таҳлилини амалга ошириш зарурати пайдо бўлди.

Худудий туризм ва унинг таркибидаги худудий туризм фаолиятини ривожлантириш ҳамда соҳа корхоналари фаолиятини бошқариш тизимини такомиллаштириш борасида хорижий давлатларда бир қатор илмий тадқиқот

Published: 17.05.2024
Cite this article: Назарова Барно Ўсарбоевна (2024). Худудий туризм хизматлари бозорида ривожланишининг назарий асослари. Emro Science and Education, 1(3). https://journal.emro.uz/public/maqola/87
© 2024 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

ишлари амалга оширилган. Жумладан, хорижий олимлардан У.Мартини, Г.Кроуч, Т.Михайлик, С.Акис, А.Атияман, М.Мескон, М.Альберт, Э.Шухарт, Э.Деминг, М.Портер, Г.Чесбро, П.Моур, Ф.Тейлор, П.Друкер каби олимларнинг илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу олимларнинг тадқиқотларида туризм соҳаси, шунингдек унинг таркибидаги худудий туризм фаолияти ривожланиши, фаолиятни бошқариш жараёнлари ривожланишининг назарий жиҳатлари ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш механизмлари муайян даражада назарий ва услубий жиҳатдан ўрганилган.

Худудий туризм соҳасини барқарор ривожлантиришнинг яна бир муҳим шартларидан бири, юқорида айтиб ўтилганидек, соҳа фаолияти билан боғлиқ бошқа бир қанча тармоқларни ҳам баравар ривожлантиришга эришишдан иборат. Чунки соҳанинг барқарор фаолияти унга тегишли бўлган айрим тармоқлар фаолияти билан чамбарчарс боғлиқдир.



1.3-расм. Макро ва микро омиллар таъсирида туристик хизматларни ривожлантириш иқтисодий ва ижтимоий-маданий мақсадларининг шаклланиши

Жаҳонда худудий туризм фаолиятини тадқиқ этиш жараёнида фаолиятни ташкил этувчи элементларни бир бутун мажмуа сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бошқача айтганда, худудий туризмни ривожлантириш ва ташкил этишнинг асосий тамойиллари орасида интеграциялашган ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилади.

Интегратив ёндашув худудий туризмнинг алоҳида элементлари муаммоларини эмас, балки уларнинг тизимли ўзаро алоқаларини ўрганишга, туризмнинг барча элементлари ҳолатини янада умумий тизим – Худудий

туристик мажмуанинг қуйи тизимлари (субкомплекслари) мажмуи сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Бугунги кунда жаҳоннинг худудий туристик салоҳияти юқори бўлган мамлакатларида туризм салоҳиятини ягона мажмуага бирлаштирган ҳолда ривожлантириш орқали Худудий туристик мажмуаларни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса, мамлакатимизнинг худудий туристик салоҳиятидан, дастлаб, худудий туризм мажмуалари шаклида фойдаланган ҳолда, кейинчалик (ҳудуднинг худудий туристик имижи шаклланган сўнг) халқаро даражага ўтиш мумкинлигини кўрсатади.

Макро омиллар гуруҳига мамлакат ёки минтақадаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маданий-маърифий ҳолатларни акс эттирувчи қуйидаги омилларни киритиш мақсадга мувофиқ:

- табиий омиллар;
- тарихий омиллар;
- маданий омиллар;
- экологик омиллар;
- илмий-технологик омиллар;
- демографик омиллар;
- ижтимоий омиллар;
- иқтисодий омиллар;
- сиёсий омиллар.

Микро омиллар гуруҳи эса фаолият жараёнида таъсир кўрсатиш ва бошқариш мумкин бўлган рақобат, ресурслар таъминоти, кадрлар ва бошқа омиллардан ташкил топади.

Худудий туризм мажмуалари асосан ресурслардан фойдаланиш хусусиятига кўра бир-биридан фарқланади. Шу билан бирга ушбу мажмуаларни алоҳида хусусиятларига кўра қуйидаги жадвалдаги кўринишда таснифлаш мумкин.

Жаҳонда худудий туризм фаолиятини тадқиқ этиш жараёнида фаолиятни ташкил этувчи элементларни бир бутун мажмуа сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилади. Бошқача айтганда, худудий туризмни ривожлантириш ва ташкил этишнинг асосий тамойиллари орасида интеграциялашган ёндашув тамойилига алоҳида урғу берилади.

Интегратив ёндашув худудий туризмнинг алоҳида элементлари муаммоларини эмас, балки уларнинг тизимли ўзаро алоқаларини ўрганишга, туризмнинг барча элементлари ҳолатини янада умумий тизим – туристик мажмуанинг қуйи тизимлари (субкомплекслари) мажмуи сифатида кўриб чиқишга имкон беради.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, туризм хизматлари бозорида худудий туризм хизматларининг ривожланиши мавжуд салоҳиятни умумлаштириш асосида соҳа учун қисқа муддатларда янги худудий туристик объектларни шакллантириш ва ушбу объектларни янги даражага олиб чиқиш имконини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1..Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сон “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

2. Абдурахмонов Қ.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В.Плеханова” в г. Ташкенте, 2013. – 248 с. ва бошқалар.

3. Зорин И.В. Теоретические основы профессионального туристского образования: монография. – М.: Сов.спорт, 2001. – 264 с. ва бошқалар;

4. Кабушкин. Н.И. Менежмент туризма: Учеб.пособие. – Мн: БГЭУ.1999, - 644с.

ХУДУДИЙ ТУРИЗМ КОРХОНАЛАРИДА БОШҚАРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Назарова Барно Ўсарбоевна
Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD)
Тошкент шаҳридаги Alfraganus университетининг
Халқаро туризм менежменти
кафедраси тадқиқотчиси

Аннотация. *Ушбу мақоламизда худудий туризм корхоналарида бошқариш жараёнларининг ўзига хос хусусиятлари келтирилган бўлиб, унда мамлакатимиздаги бозор муносабатларининг шаклланиши, таъсир этувчи омиллар ва ривожлантириш кўринишлари хақида фикр билдирилган.*

Калит сўзлар: *Мамлакат, бозор, ички ва худудий, туристик, чизиқли алоқалари бошқарув қарорлари, ишчи кучи,бош менежер.*

Ички ва халқаро худудий туризм ривожланиши тартибсиз равишда содир бўлмайди. Бу бошқарилиши лозим бўлган инсон фаолиятининг махсус шаклидир. Худудий туризм соҳасида бошқарув жараёнларининг ривожланишига ижтимоий-иқтисодий, техник ва технологик омиллар таъсир кўрсатади. Миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари томонидан йўналтириладиган даромадларсиз соҳанинг кенг кўламдаги фаолиятига эришиб бўлмайди, шу нуқтаи назардан ушбу жараённинг бошқарилиш воситаси ҳам мавжуд бўлмайди.

Бошқарув жараёнлари бўйича туристик ташкилотлар олдига иккита ўзаро боғлиқ муҳим вазифа қўйилади:

- худудий туризм бошқарувига бозор муносабатлари мазмунини сингдириш, яъни бозор муносабатларини соҳа амалиётига тўлиқ киритиш;

- жаҳонда шу йўналишда юз бераётган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда худудий туризм соҳасидаги янгиликларини шароитга мослаштириш.

Бугунги тараққиёт жараёнида иқтисодиётнинг асосий тармоқларидан бирига айланиб бораётган худудий туризм соҳаси, жумладан, соҳанинг ички